

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДАЛИЕВ ХУШНУДБЕК ИСЛОМЖОНОВИЧ**

**ХІХ-ХХ АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ  
ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Мамадалиев Хушнудбек Исломжонович**

XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарлари тарихи..... 5

**Мамадалиев Хушнудбек Исломжанович**

История городов Ферганской долины в XIX – начале XX века ..... 25

**Mamadaliyev Khushnudbek Islomjonovich**

History of the cities of the Fergana Valley in the 19th – early 20th centuries..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/27.02.2021. Tar.70.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАДАЛИЕВ ХУШНУДБЕК ИСЛОМЖОНОВИЧ**

**ХІХ-ХХ АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ  
ШАҲАРЛАРИ ТАРИХИ**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.PhD/Tag20 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зябёва Доно Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳасанов Акрам Муминович**  
тарих фанлари доктори., доцент  
**Эштемиров Жасур Суёнқулович**  
тарих фанлари буйича фалсафа доктори (PhD)

**Ётақчи ташқилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Қарши давлат университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05-рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил "30" 03 соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кучаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети.

Докторлик диссертацияси билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (87 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кучабог кучаси, 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "11" 03 кунни тарқатилди  
(2022 йил "11" 03 даги 8 -рақамли реестр баённомаси).



**Б.Ж. Эшов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
т.ф.д., профессор

**Н.Н. Ражабова**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
т.ф.н., доцент

**Ю.А. Эргашева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тарихи таракқиётида Ўрта Осиё цивилизацияси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, минтака шаҳарлари қадимги даврлардан бошлаб Шарқнинг маданий, иқтисодий ва сиёсий шаҳар марказлари билан узвий алоқада, ўзига хос йўналишда ривож топган. Бинобарин, у ёки бу даврда таракқий этган урбанизация жараёнларини тадқиқ этиш жаҳон тарихи фанининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида урбанизация ва шаҳарлашув жараёни шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда шаҳарлар тарихини теран ёритишга қаратилган илмий изланишларга эҳтиёж тобора ортмоқда. Шу сабабли ҳам жаҳондаги етакчи илмий-тадқиқот марказларида Ер шарининг турли минтақаларида урбанизация жараёнларининг ўзига хос жиҳатларини, шаҳарсозлик маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганиш бўйича тизимли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотларда шаҳарлар шаклланишининг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий асосларини очиб беришга долзарб илмий муаммо сифатида қаралмоқда.

XIX-XX аср бошлари Туркистон халқлари тарихида шиддатли ўзгаришлар даври бўлиб, шаҳарлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Тарихий таракқиёт жараёнида шаҳарлар ўз қиёфаларини доимо ўзгартириб борган ва шу билан бирга, уларнинг жамиятда тутган роли ҳам ошиб борган. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Ватанимиз шаҳарлари тарихини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш тарихчиларнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ана шу жиҳатдан Фарғона водийси шаҳарлари тарихини ёритиш масаласи ҳам долзарб масалалардан биридир.

Мазкур диссертация тадқиқоти Маданий мерос ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тўғрисида “Ўзбекистон Республикаси қонуни Археология мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2018 йил 16 январдаги Ф-5181-сонли “Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармойишида кўрсатилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 5 январдаги 222-х топшириғи асосида “Ўзбекистон тарихини ўрганиш ишларини самарали” ташкил этишга қаратилган “Йул харитаси”нинг IV бўлим, 23-бандида “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи”ни тайёрлаш учун белгиланган вазифаларни маълум даражада бажарилишига хизмат қилади.

**Таджикотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Таджикот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фарғона водийси шаҳарларининг XIX-XX асрнинг бошларидаги тарихи, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига доир манбалар, архив материаллари, илмий адабиёт ва тадқиқотларни даврига қараб туркумлаштирган ҳолда қўриб чиқиб, қуйидаги гуруҳларга бўлинди: 1. XIX асрда Қўқон хонлиги тарихи бўйича маҳаллий муаррихларнинг асарлари. 2. Россия империяси ҳукмронлиги даврига оид тадқиқотлар ва архив маълумотлари. 3. Совет даврида амалга оширилган тадқиқотлар ва нашр этилган асарлар. 4. Мустақиллик йилларида мавзуга доир нашр этилган тадқиқотлар. 5. Хорижлик муаллифларнинг асарлари.

**Биринчи гуруҳга** Қўқон хонлиги тарихи бўйича маҳаллий муаррихлардан Муҳаммад Фозилбек<sup>1</sup>, Махмуд Ҳаким Яйфоний<sup>2</sup>, Ниёз Муҳаммад ибн Ашур Муҳаммад Ҳўқандий<sup>3</sup> Исҳоқхон Ибраг<sup>4</sup>, Муҳаммад Солиҳ Қори Тошкандий<sup>5</sup>, Муҳаммад Ризо Марғилоний<sup>6</sup>, Муҳаммад Юнус Тойиб<sup>7</sup>, Мулла Абдулғофур<sup>8</sup>, Абу Убайдуллоҳ Тошкандий<sup>9</sup>, Мулла Олим Махдум Ҳожи<sup>10</sup>, Мирзо Олим ибн Мирзо Раҳим Тошкандий<sup>11</sup>, Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандийларнинг<sup>12</sup> асарларини келтириб ўтишимиз лозим.

<sup>1</sup> Муҳаммад Фозилбек. Мукаммал тарихи Фарғона / Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – № 5971. 28\* – варак

<sup>2</sup> Махмуд Ҳаким Яйфоний. Тарихи салотини Фарғона / Қўқон ўлкашунослик музейи. – №46. – 89 варак.; Яна қаранг: Турдалиев Л. Махмуд Ҳаким Яйфоний адабий ва илмий меросининг манбалари. Фил. фан. номд. дис... автореф. – Тошкент: А. Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 1997. – 24 б.

<sup>3</sup> Мулла Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий. Тарихи Шоҳрухий / Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – №78. – №4463. – 365 варак. Яна қаранг: Бейсембиев Т.К. «Тарих-и Шоҳрухи» о Восточном Туркестане / Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана в V-XIX вв. – Ташкент, 1987. – С. 162-174; Уша муаллиф: «Тарих-и Шоҳрухи» как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – 200 с.

<sup>4</sup> Исҳоқхон Ибраг. Тарихи. Фарғона / Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – № 11616. 16-76-вараклар.

<sup>5</sup> Муҳаммад СолиҳуҶа ибн Қорахўжа Тарихи жалидан Тошканд / Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – № 5732. – 747 варак.

<sup>6</sup> Муҳаммад Ризо Марғилоний. Тарихий Азизий / Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – №11108. – 120 варак.

<sup>7</sup> Муҳаммад Юнус Тойиб. Тарихи Алиқулӣ амир лашкар / Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – №1213 б. – 92 варак.; Муҳаммад Юнус Хаджа б. Муҳаммад Амин-Хаджа. Тухфа-йи Таиб // Islamic Area Studies Project Central Asian research Series. – № 6. – Ташкент-Токио, 2002. – С. 32.

<sup>8</sup> Мулла Абдулғофур. Зафарномаи Худоёрхоний / Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – № 598 б. – 65 варак.

<sup>9</sup> Уруйбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. – Ташкент, 1957. – №3. – С. 33-38.

<sup>10</sup> Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Нашрга таёрловчи Т. Алимардонов, Н. Абдул Ҳаким. – Қарши: Насаф. 1992. – 148 б.; Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон / Масъул муҳаррир З. Чориев, сўзбоши ва изоҳлар Ш. Воҳидовники, араб тилидан таъдил Ш. Воҳидов ва Р. Холиқованики, курсатқочлар Ш. Воҳидов ва Д. Сангированики. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2008. – 242 б.

<sup>11</sup> Мирзоалим Мушриф. Ансoб ус-салoтин ва таворих ул-хавoқин / Нашрга таёрловчи А. Матғозиев, М. Усмонова. – Тошкент, 1995. – 128 б.; Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошканди. Ансoб ус-салoтин ва таворих ал-хавoқин / Введение Ш. Воҳидова; перевод текста, примечания, указатели и послесловия С. Юлдашева. История Узбекистана = арабографических источниках. Том 1. – Ташкент, 2007. – 254 с.

<sup>12</sup> Ромодин В.А. Новый источник по истории Кокандского ханства // Проблемы востоковедения. – 1959. – №3. – С. 10-17; Набиев Р. Уникальный источник по истории Кокандского ханства // Общественные науки в Узбекистане. – № 4. – С. 33-39; Воҳидов Ш. Аваз Муҳаммад Аттор Ҳўқандий. Тарихи жаҳонномаи // Шарк олдун. – 1991. – №8. – Б. 119-140; Уша муаллиф: О двух редакциях сочинения Аваз Муҳаммада Аттара Ҳўқанди / Адабий мерос. – Тошкент, 1989. – С. 31-36.

**Иккинчи гуруҳ адабиётлари сифатида, яъни Россия империяси хукмронлиги даруға оид тадқиқотларга В.В.Бартольд<sup>13</sup>, А.Кун<sup>14</sup>, В.П.Наливкин<sup>15</sup>, М.Михайлов<sup>16</sup>, Н.Веселовский<sup>17</sup>, М.Галкин<sup>18</sup>, Абулсаттархан Гафаров<sup>19</sup>, Н.Н.Пантусов<sup>20</sup>, А.И.Добромислов<sup>21</sup>, А.К.Гейнс<sup>22</sup>, А.Вамбери<sup>23</sup>, А.Макшеев<sup>24</sup> ва А.П.Хорошхин<sup>25</sup> асарларини тилга олиш мумкин..**

Ушбу гуруҳ адабиётларининг киёсий таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур манбалар асосан, Кўкон хонлигининг Россия империяси томонидан босиб олинishi, ҳарбий тарих, водийнинг худудий бўлиниши, тарихий маълумотлар, хонликдаги ички ҳаёт, солиқ тизими, сиёсий тарих, умуман олганда, Россия империяси маъмурларини кизиктирувчи бошқа кўплаб маълумотлар қаторида шаҳарлар тарихига оид маълумотларнинг келтирилиши билан алоҳида аҳамиятга эга.

**Учинчи гуруҳ адабиётларини Совет даврида чоп этилган асар ва тадқиқотлар ташкил этади. Ушбу тадқиқотларда Фарғона водийсининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, унинг Россия империяси томонидан босиб олиншининг оқибатлари коммунистик мафкура руҳида тасвирланган.**

<sup>13</sup> Бартольд В. В. История Туркестана. Конспект лекций // Сочинения. Т. II. – М., 1963. – С. 217-288; Ўша муаллиф: Туркестан / Сочинение. – М., Наука, 1963. Т. III. – С. 518–520; Ўша муаллиф: Туземец о русском завоевании / Сочинение. – М., 1964. Т. II. Ч. 2. – С. 333–350; Ўша муаллиф: Бабабек / Сочинения. – М.: Наука, 1964. Т. II. Ч. 2. – С. 501-502; Ўша муаллиф: Азия Ата / Сочинения. – М.: Наука, 1965. Т. III. – 340 с.; Ўша муаллиф: Ак–Мечеть / Сочинения. – М.: Наука, 1965. – Т. III. – С. 314-317; Ўша муаллиф: Коканд / Сочинение. – М.: Наука, 1965. Т. III. – С. 462–466; Ўша муаллиф: Маргилан / Сочинения. Т. III. – М., 1965. – С. 481-484; Ўша муаллиф: Курама / Сочинения. Т. III. – М., 1968. – С. 552-553; Ўша муаллиф: История Коканда и Ферганской долины / Сочинения. Том III. – М., 1965. – С. 462-466; Ўша муаллиф: История изучения Востока в Европе и России / Сочинения. Т. VII. – М.: Наука, 1971. – 663 с.

<sup>14</sup> Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине // Военный сборник. – Санкт-Петербург, 1876. – № 4. – С. 417-448; Ўша муаллиф: Очерк Кокандского ханства // ИРГО. – 1876. – Т. VIII. – С. 59-70.

<sup>15</sup> Наливкин В. Краткая история Кокандского ханства. – Казань: Типография императорского Университета, 1886. Т. IV. – 215 с.; Ўша муаллиф: Туземцы. Раньше и теперь / Издание А.Л.Кирснера. – Ташкент: Электроника. – Турк. Т-ва Печатного Дъла», 1913. – 144 с.

<sup>16</sup> Михайлов М. Поход в Коканд в 1875 г. // Туркестанские ведомости. – 1884. – №3, 10, 11, 12, 13; Ўша муаллиф: Наманган (город в Кокандском ханстве) / ТС. Том 16. – С. 68-73.

<sup>17</sup> Веселовский Н. Прием в России и отпуск Среднеазиатских послов в XVII и XVIII столетиях. – Санкт-Петербург, 1884; Ўша муаллиф: Балаулет Якуб-бек Аталик Кашгарский. – Санкт-Петербург: Императорская Академия Наук, 1898. – 103 с.; Ўша муаллиф: Киргизский рассказ о русских завоеваниях в Туркестане край / Текст, перевод и приложения. – Санкт-Петербург: Паровая скоро печатания П. О. Яблонского, 1894. – 206 с.; Ўша муаллиф: Новые материалы по истории кокандского ханства // Журнал министерства и народного просвещения, 1886. Ч. 248. – С. 11-13.; Ўша муаллиф: Рец. на кн. «Краткая история Кокандского ханства» / Составил В. Наливкин. Ч. VI. – Казань, 1886. – 215 с.

<sup>18</sup> Галкин. М. Краткая записка об исторических правах России на Кокандские города Туркестан и Ташкент / Туркестанский сборник. Т. 21. – С. 257-258.

<sup>19</sup> Гафаров Абдул Саттар-хан. Краткий очерк о внутреннем состоянии Кокандского ханства перед завоеванием его русскими // Вестник Русского Географического общества. Ч. 3. 1856. – С. 47-75.

<sup>20</sup> Пантусов Н.Н. О «Тарихи Шахрухи» и других рукописях Кокандского ханства // Туркестанские ведомости. – 1876. – №.28, 30, 37; Ўша муаллиф: Податные сборы в Коканде // Туркестанские ведомости. 1876. – №17.

<sup>21</sup> Добромислов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Ташкент, 1912, Вып. 6. Главы I–II. – С. 1-59.

<sup>22</sup> Гейнс А.К. Управление Ташкентом при Кокандском владычестве. К характеристике администрации среднеазиатских городов / Собрание литературных трудов. – Санкт-Петербург, 1899. Т.II. – С. 413-536.

<sup>23</sup> Вамбери А. Очерки о Средней Азии. – М., 1886. – 365 с.

<sup>24</sup> Макшеев А. Исторический обзор Туркестана и наступательного движения в него русских. – СПб., 1890. – 376 с.; Ўша муаллиф: Показание сибирских казаков Милошина и Батыршикина, бывших в плену у кокандцев с 1849 по 1852 гг. // Вестник Русского Географического общества. – Ч. 17 (II). – СПб., 1856. – С. 20-32.

<sup>25</sup> Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – Санкт-Петербург, 1876. – 532 с.

Шунингдек, Россия империяси даврида Фарғона водийсидаги шаҳарлар хақида маълумот берувчи Ф.А.Озодаев<sup>26</sup>, И.Азимов<sup>27</sup>, В.А.Акрамов<sup>28</sup>, В.Галицкий ва В.Плюский<sup>29</sup>, С.М.Круковская<sup>30</sup>, А.Мухторов<sup>31</sup>, В.А.Нильсен<sup>32</sup>, М.Раҳимов<sup>33</sup>, Г.Тошпўлатов<sup>34</sup> ҳамда И.Тўхтасинов<sup>35</sup> ларнинг тадқиқотларини алоҳида қайд этиш жоиз.

**Тўртинчи гуруҳ адабиётларини мустақиллик йилларида тадқиқот мавзусининг айрим жиҳатларига бағишланган асарлар, илмий мақолалар, чоп этилган манбалар, илмий тадқиқотлар ташкил этади.**

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида О.Абдуллаев<sup>36</sup>, Ҳ.Бобобеков<sup>37</sup>, Д.Сангирова<sup>38</sup>, Д.Зияева<sup>39</sup>, Г.Агзамова<sup>40</sup>, Ж.Исмоилова<sup>41</sup>, С.Шадманова<sup>42</sup>, Ш.Воҳидов ва Р.Холикова<sup>43</sup>, Т.Бобоматов<sup>44</sup>, М.Жабборов<sup>45</sup>, С.Губаева<sup>46</sup>, Й.Қосимов<sup>47</sup>, М.Юсупова<sup>48</sup>, Ш.Қўлдошев<sup>49</sup> ҳамда У.Мансуров<sup>50</sup> каби муаллифларнинг асарлари яратилдики, уларда Фарғона водийси шаҳарларининг

<sup>26</sup> Озодаев Ф. А. Ташкент во второй половине XIX в. / Очерки социально-экономической и политической истории – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1959. – 242 с.; Ҷама муаллиф: Тошкент тарихидан очерклар. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1960. – 268 б.

<sup>27</sup> Азимов И. Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 71 б.

<sup>28</sup> Акрамов В. А. Қўқон шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти (XIX асрнинг II ярми ва XX асрнинг бошлари). – Тошкент: Ўз ФА Тарих институти. 1973. – 220 б.; Уша муаллиф: Развитие города Коканда во второй половине XIX – начале XX вв. / История Коканда. – Ташкент: Фан. – С. 5-41.

<sup>29</sup> Галицкий В., Плюский В. Старинный Ош. – Фрунзе: Илим, 1987. – 175 с.

<sup>30</sup> Круковская С. М. Встречи с Кокандом. – Ташкент: Узбекистан, 1977. – 1 с.

<sup>31</sup> Мухтаров А. Очерк истории Ура-Тюбинского владения в XIX в. – Душанбе: Изд-во АН Тадж. ССР, 1964. – 186 с.

<sup>32</sup> Нильсен В. А. У истоков современного градостроительства Узбекистана (XIX – начало XX веков). – Ташкент: Фан, 1988. – 208 с.

<sup>33</sup> Рахимов М. История Ферганы. – Ташкент: Фан, 1984. – 121 с.

<sup>34</sup> Ташпўлатов Г. Социально-экономическая и культурная жизнь г. Ферганы в конце XIX – начале XX в. Дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: Институт истории АН Узбекистана, 1980. – 172 с.

<sup>35</sup> Тўхтасинов И. Коканд. – Ташкент, 1959. – 52 с.

<sup>36</sup> Абдуллаев О. Наманган вилояти. – Наманган, 1995. – 148 б.

<sup>37</sup> Бабабеков Х. Н. История завоевания Средней Азии Царской Россией в секретных документах. – Ташкент, 2006. – 70 с.; Уша муаллиф: Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – 240 б.

<sup>38</sup> Сангирова Д. Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асари – муҳим манба: Тарих. фан. номз. дисс.... – Тошкент: ЎзР ФАШП, 1999. – 162 б.

<sup>39</sup> Зияева Д. Ҳ. XIX асрнинг сўнгги чорағи – XX аср бошида Фарғона водийсида “янги” ва “эски” шаҳар муаммоси // Ozbekiston tarixi. – 2012. – №3-4. – Б. 22-23; Уша муаллиф: Ўзбекистон шаҳарлари. – Тошкент: Yangi nashr, 2017. – 440 б.

<sup>40</sup> Агзамова Г. А. Ўзбекистон шаҳарлари XVI-XIX асрнинг ўрғаларида. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2017. – 228 б.

<sup>41</sup> Исмаилова Ж. Ҳ. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX бошида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Тошкент, 2004. – 258 б.

<sup>42</sup> Шадманова С.Б. Ўзбекистон шаҳарларида трансформация жараёнлари (1917-1941). – Тошкент, 2015. – 333 б.; Уша муаллиф: Туркiston тарихи – матбуот кўзгусида. – Тошкент, 2011. – 255 б.

<sup>43</sup> Воҳидов Ш., Холикова Р. Марказий Осиё давлатларида бошқарув тарихидан. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – 80 с.

<sup>44</sup> Бобоматов Т.М. Репрессивные органы как инструмент колониальной политики царской России в Туркестане (1865-1917 гг.): Автореферат дисс... канд. ист. наук. – Ташкент: НУУ, 2008. – 28 с.

<sup>45</sup> Жабборов М. Р. Фарғона вилояти тарихининг “Туркестанский сборник”да ёритиллипи (XIX аср охири – XX асрнинг бошлари): Тарих. фан. номз. дисс. – Фарғона: Фарғона давлат университети, 2000. – 159 б.

<sup>46</sup> Губаева С. С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX в. – Ташкент: Фан. 1991. – 130 с.

<sup>47</sup> Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари (1709-1876). – Наманган-Тошкент, 1994. – 135 б.

<sup>48</sup> Юсупова М. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере «новых городов» Ферганской долины конца XIX – начала XX в. – Ташкент, 2005. – 176 с.

<sup>49</sup> Қўлдошев Ш.Т. Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркiston: сибсий, иқтисодий ва маданий алоқалар. – Тошкент: Фан, 2021. – 254 б.

<sup>50</sup> Мансуров У.У. 1917-1924 йилларда Фарғона водийси шаҳарлари тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Тошкент: ЎзР ФА Тарих институти, 2018. – 134 б.



ўтмиш тарихи ва бугунги куни хусусида айрим қимматли маълумотлар учрайди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарлари тарихини тадқиқ этилган ишларни ҳам қиёсий таҳлил этиш мақсадида келтириб ўтишимиз мумкин<sup>51</sup>.

**Хорижлик муаллифларнинг тадқиқотларидан, хусусан, К.Бейсембиев<sup>52</sup>, М.Сарай<sup>53</sup>, Ким Хондонг<sup>54</sup>, С.С.Сооданбеков<sup>55</sup>, М.Холдсворт<sup>56</sup>, Н.Терлецкий<sup>57</sup> ва Довлағбек Бекиш улу Сапаралиевлар<sup>58</sup>нинг ишларининг аҳамияти катта.**

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация ЎЗР ФА Тарих институти томонидан бажарилаётган Ф1-ФА-0-11986 – “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: ананалар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” (2012-2016) фундаментал тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган

**Тадқиқотнинг мақсади.** XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, бошқарув тизими, қурилиши ва меъморчилиги, аҳоли таркиби ва машғулотлари тарихини очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қўқон хонлигининг маъмурий, ҳудудий бошқарув тизими, шаҳарларнинг ижтимоий-маданий марказ сифатидаги ўрнини ёритиш;

Россия империясининг Қўқон хонлигига қарши ҳарбий юришлар ва уларнинг шаҳарлар ҳаётига таъсирини ўрганиш;

Қўқон хонлигининг тугатилиши ва Фарғона водийси шаҳарларидаги сиёсий-ҳудудий ўзгаришларни таҳлил қилиш;

<sup>51</sup> Ҳасанов А. Қашқадарё воҳаси шаҳарсозлиги ва меъморчилиги (XVI-XIX асрлар). Монография. – Қарши, 2019. – 137 б; Ирискулов О.Ж. XIX аср иқтисодий ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2019. – 55 б.; Эптемиров Ж.С. XX-XXI аср бошларида Қарши шаҳар маданияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 52 б.; Перемкулов Ж.А. XX аср ўрталари – XXI аср бошларида Тошкент вилояти саноат шаҳарлари тарихи. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. – 48 б.

<sup>52</sup> Бейсембиев Т. К. Духовенство в политической жизни Кокандского ханства в XVIII-XIX вв. по некоторым сочинениям Кокандской историографии / Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – М., 1985. – С. 213-214. Ўша муаллиф: Легенда о происхождении Кокандских ханов как источник по истории идеологии в Средней Азии. – Алма-Ата: Наука, 1989. – 192 с.; Ўша муаллиф: «Тарихи Шаҳрухи» – как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – 200 с.; Ўша муаллиф: Высшая администрация юга Казахстана в период Кокандского ханства 1809-1865 гг. – Алматы: Дайк-Пресс, 2004. – С. 291-313.

<sup>53</sup> Saray M. Rusiyanin Turk yurdlarina yayilmasi. – Istanbul, 1975. – 35 s.; Ўша муаллиф: Rus isgali devrinde Osmanli devleti ile Turkistan hanliklari arasindeki siyasi munasabette (1775-1875). – Ankara, 1994. – 74 s.

<sup>54</sup> Kim Hondong. Holy War in China. The Muslim Rebellion and State in Chinese Central Asia. 1864-1877. – Stanford, 2004. – 295 p.

<sup>55</sup> Сооданбеков С. С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. – Бишкек, 2000. – 144 с.

<sup>56</sup> Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century / A Brief History of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959. – 80 p.

<sup>57</sup> Терлецкий Н. Некоторые сведения о ранних работах по истории Хуканда // Международный журнал для исследований в области восточных рукописей. – Санкт-Петербург, 2005. Т.11. – №1. – С. 3-9.

<sup>58</sup> Сапаралиев Довлағбек Бекиш улу. Этнополитическая история Опа и его окрестностей с XVIII до середины XIX вв. – Бишкек: Илим, 1999. – 144 с.

Янги шаҳарларнинг ташкил топиши ва уларда “эски” ва “янги” қисмларнинг вужудга келиши ҳамда урбанизация жараёнлари масалаларини таҳлил этиш;

Фарғона водийси шаҳарларининг маъмурий-худудий бошқаруви ва шаҳарларнинг вилоят бошқарув тизимида тутган ўрнини кўрсатиб бериш;

Фарғона водийси шаҳарсозлик маданияти хусусиятлари, шаҳарсозлик инфратузилмасидаги ўзгаришларнинг сабабларини ёритиб бериш;

Шаҳарларнинг иқтисодий марказлар сифатидаги ўрни ва ташки савдо алоқаларидаги ролини очиб бериш;

Архитектура ва шаҳарлар қурилишида анъанавийлик ҳамда Европа услубларининг интеграциялашувининг ўзига хос томонларини тадқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарлари тарихи белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** XIX-XX аср бошларидаги Фарғона водийсидаги шаҳар маданияти тарихи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Ўзбекистон тарихини манбалар асосида ҳаққоний ўраниш тамойилига қатъий амал қилган ҳолда диссертация ишида муаммони янги тарихий тафаккурнинг концептуал нуқтаи-назаридан идрок этиш, статистик, кийёсий, архив материаллари ва мавжуд илмий адабиётларни таҳлилий-илмий солиштирма тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарларининг худудий бошқарув тизими, шаҳарларнинг ижтимоий-маданий марказ сифатидаги ўрни, маъмурий-тузилиш тизими, табиий географик минтақада қулай иқлим, тоғли худудларда шаҳарларнинг жойлашганлиги, шаҳарлар аҳолисининг асосини ташкил қилган ўзбеклар ва бошқа этносларнинг этник таркиби ва хўжалик машғулотларига қўра ўтрук аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, хунармандчилик ва касибчилик ҳамда савдо-сотик билан, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли чорвачилик машғулотлари билан шугулланганлиги далилланган;

Россия империяси маъмуриятининг Қўқон хонлигига тазйиқи давридаги шаҳарларнинг маъмурий-сиёсий бошқаруви ва беклик, вилоят ҳамда саркорлик маъмурий-худудий қисмларнинг тузилиши, тўловлар йиғиш, солиқлар ва суғориш тизими, ҳашар ишлари каби мажбуриятлар, “янги шаҳар”ларнинг пайдо бўлиши, Фарғона водийсидаги урбанизация жараёнлари асосланган;

Фарғона водийси шаҳарларининг йирик сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий урбанизация марказлари Қўқон, Наманган, Андижон, Янги Марғилон (Скобелев), Чуст ва бошқа шаҳарларнинг ўрни ҳамда ташки савдо алоқаларидаги ғарб ва жанубда Бухоро, Хива, Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон, шарқда Хитой (Қашқар орқали), шимолда Дашти қипчоқ кўчманчилари ва Россия, Япония ва Англия савдо муносабатлари, иқтисодий

(савдо-сотик) ва маданий алоқалардаги Қўқон-Бухоро ва Қўқон-Тошкент, Қўқон-Хива, Қўқон-Эрон савдо йўлининг аҳамияти очиб берилган;

давлатчилик ривожда Фарғона водийси шаҳарларининг роли, марказий ва маҳаллий ҳокимиятнинг иктисоднинг турли соҳаларини ривожлантиришда ҳамда бошқаришда ишлаб чиқаришнинг фабрика ва завод маҳсулотлари билан таъминлаш каби янгиликларни жорий этилишидаги самараси далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарларининг урбанизация жараёнлари тарих, манбашунослик, нумизматика, тарихий география каби йўналишлар кесимида амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Фарғона водийси шаҳарларининг урбанизация жараёнлари киёсий ўрганилиб, ушбу даврга оид илмий адабиётлардаги водий шаҳарларига оид мавжуд маълумотлар тизимлаштирилган, кам ўрганилган жиҳатлари (тарихий топономика, маъмурий-худудий бошқарилиши ва тузилиши, уларнинг вилоят бошқарувидаги ўрни, ички маъмурий бошқаруви, урбанизацион жараёнлар, меъморий ўзгаришлар, шаҳарларнинг вазифалари ва ҳ.к.) бўйича хулосалар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда тарих ва тарихшунослик фанида тан олинган ёндашув ҳамда усуллар қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-илмий адабиётлардан фойдаланганлиги, асосий тарихий манбалар ҳамда маълумотларни тизимлаштириш ва умумлаштирилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изохланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳар маданияти ривожланиш даражасини ва ўзига хос хусусиятларини тарихий-киёсий, муаммоли-хронологик усуллар ҳамда объективлик тамойили асосида тузилмавий-тизимли таҳлил асосида ёритилганлиги туфайли улардан мазкур муаммога оид назарий хулосаларни мукамаллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳар маданияти тарихи ва меъморчилиги бўйича тарихий маълумотлар билан бойитиш, шунингдек, олий ўқув юрти тарих йўналиши талабалари учун “Тарихий ўлкашунослик ва урбанизация жараёнлари”, “Фарғона тарихи” курслари бўйича махсус курслар, шу билан бирга Ўзбекистон тарихининг тегишли бўлимларини яратишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарлари тарихи тадқиқоти давомида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

Қўқон хонлиги даврида Фарғона водийси шаҳарларининг ижтимоий-иктисодий ҳаёти, Россия империяси томонидан хонлик тугатилгач, шаҳарлар ҳаётидаги худудий ҳамда урбанизацион ўзгаришлар, водий шаҳарларининг

эски ва янги қисмларга бўлинишидаги зиддиятли ҳолатларни тарихий фактлар асосида очиб бериш масалалари Ф1-ФА-0-11986 рақамли – “Ўзбекистон шаҳарлари тарихи: анъаналар, урбанизация ва трансформация жараёнлари (энг қадимдан ҳозиргача)” номли фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган. Бундан ташқари диссертациясининг манбавий таҳлилга оид натижалари ОТ-Ф1-135 рақамли “XIX-XX аср бошларида ўзбек халқининг интеллектуал-маданий мероси: анъаналар ва трансформация жараёнлари” фундаментал тадқиқоти доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 16 майдаги № 3/1255-1468 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Фарғона водийси шаҳарларининг XIX–XX аср бошларидаги ўзига хос мураккаб ва зиддиятли ҳолатини аниқлаш, уларнинг сабаб ва оқибатларини ҳолисона баҳолашга хизмат қилган;

Фарғона водийси шаҳарларининг XIX аср охири – XX аср бошларида ривожланиш жараёнлари, шакилланганлик ҳолати, шаҳарсозлик маданияти ва урбанизация жараёнлари бўйича олинган илмий натижалардан Наманган вилояти ўлкашунослик музейи экспонатларининг “Кўкон хонлиги даврида шаҳарлар ҳаёти”, “Наманган шаҳри тарихи” мавзусидаги бўлимларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирига 2019 йил 14 майдаги 01-12-10-2274 сонли маълумотномаси). Натижаларнинг қўлланилиши музейда ушбу даврда Фарғона водийси шаҳарларидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт масалалари ёритилган фотосуратлар ва архив манбалари асосида янги экспозицияларнинг яратилиши ва кенг оммага тақдим этиш имконини берган;

Фарғона водийси шаҳарларининг XIX-XX аср бошларидаги, хусусан, Россия истилоси арафасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, шаҳарларнинг ижтимоий-маданий ва иқтисодий марказлар сифатидаги ролини акс эттирувчи материаллар, Россия истилоси ва шаҳарларнинг Туркистон генерал-губернаторлиги тасаруфига ўтиши, шаҳарларнинг сиёсий, маъмурий бошқарув тизимидаги ўзгаришларни ёритиб берувчи архив манбалари, шаҳарларда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва уларнинг савдо алоқаларидаги ўрни, шаҳарлар аҳолиси ва урбанизация жараёнлардаги зиддиятли ҳолатлар каби масалаларни асослаб берувчи материаллардан Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясини “XIX-XX асрларда Ўзбекистон” ва “XIX-XX асрларда Ўзбекистон” бўлимларини янги материаллар билан бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 16 августдаги № 3/1255-2255-сонли маълумотномаси). Ушбу жараён шаҳарларнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни бўйича маҳаллий ва хорижий ташриф буюрувчиларни янги маълумотлар билан таъминлашга хизмат қилган;

XIX-XX аср бошларида Фарғона водийси шаҳарларининг тузилиши, бошқарув тизими, урбанизация жараёнлари, шаҳар маданияти трансформацияси ҳақида маҳаллий муаррихларнинг асарлари ва архив материалларига асосланган илмий маълумотлардан, шунингдек, Россия босқини арафасида Кўкон хонлиги шаҳарлари ҳаёти, аҳоли таркиби, машғулотлари ҳамда хонлик босиб олингандан кейинги шаҳарлар бошқарув тизимидаги ўзгаришлар,

урбанизация жараёнлари, шаҳарларнинг “янги” қисмларининг ташкил топишига оид илмий тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston teleradiokanali” ДУК қошидаги “O‘zbekiston tarixi” telekanali ижодкорлари “Очик дарс” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (O‘zbekiston milliy teleradiokompaniyasining 2021 йил 30 noyabrda №01/40/1831-sonli ma‘lumotnomasi). Илмий натижанинг қўлланиши Фарғона водийси шаҳарларининг тарихий асиллигини сақлаш, маданий меросни асраб авайлаш, туризмни янада ривожлантириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 5 та хорижий журналларида чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 155 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблигига асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Шунингдек, тадқиқотнинг фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиқ ўтилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳамда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, натижалари, эълон қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилади.

Диссертациянинг “**XIX асрнинг биринчи ярмида Фарғона водийсида шаҳар маданияти (1800-1865 йй.)**” деб номланган биринчи бобида Кўкон хонлигининг маъмурий, ҳудудий бошқарув тизими ва унда шаҳарларнинг ижтимоий-маданий марказ сифатидаги ўрни, Россия тажовузи ва Кўкон хонлиги шаҳарларининг Россия тасарруфига ўтиши масалалари таҳлил этилган.

XVIII аср охирида хонликнинг ҳудуди факат Фарғона водийсидан иборат эди. Водий кулай иқлим ва табиий географик минтақада жойлашган бўлиб, унинг ҳудуди 22,2 минг км<sup>2</sup>, тоғли ҳудудлар билан бирга 80 минг км<sup>2</sup>, шарқдан ғарбга томон узунлиги 300 км<sup>2</sup>., шимолдан жанубга қадар баъзан 170 км<sup>2</sup>.ни ташкил қилган<sup>59</sup>.

<sup>59</sup> Масальский В. И. Туркестанский край / Россия: Полное географическое описание нашего отчества. – Санкт-Петербург, 1913. – С. 31.

XVIII асрнинг охирига келиб, Норбўтабий водийдаги барча беклик, шаҳар ва вилоятларни ўз итоғатига киргизиб, уларни Қўқонга бўйсундирди. Унинг даврида Андижон ва Марғилон вилоятлари ҳамда Қўқон ҳудудлари водийдаги энг катта мулклар эди.

XIX асрда Қўқон хонлиги манбаларда беклик, баъзан вилоят ва саркорлик сифатида тилга олинган маъмурий-худудий қисмларга бўлинган ва уларни хон томонидан тайинланадиган мос равишда беклар, ҳокимлар ва саркорлар бошқарган. А.Кун хонликдаги 15 та бекликнинг номини келтиради. Булар: Қўқон ва унинг атрофи, Марғилон, Шаҳрихон, Андижон, Наманган, Сўх, Маҳрам, Булокбоши, Аравон, Балиқчи, Чортоқ, Навкат, Қосон, Чуст ва Бободархон. Бошқа манбаларда Асака, Марғилон, Балиқчи, Ўш, Сўх, Қосон ва Ўзган саркорлик сифатида ҳам тилга олинган<sup>60</sup>.

Ҳокимлар ва худудий бўлинма бошлиқлари, хон оиласи аъзолари, унга яқин гуруҳлар, юқори табақа вакиллари ва етакчи қабилалар сардорлари орасидан тайинланган. Жумладан, Худоёрхон даврида етти беклик ва саркорликни хоннинг ўғиллари ва яқин қариндошлари томонидан бошқарилган. Ўз навбатида, ҳокимлар вилоят ҳудудларини, ушбу ҳудудлардаги шаҳар ва шаҳарчаларни, йирик кишлоқларни ўзининг фарзандлари ва қариндошларига бўлиб берган<sup>61</sup>.

Баъзи беклик, саркорлик ёки вилоятлар хон томонидан кучли давлат арбоблари ёки маҳаллий кучларнинг бошлиқларига улар билан мурося қилиш мақсадида берилган. Жумладан, кучли гуруҳ вакили ва қабила сардори сифатида Ражаб қўшбеги, Муҳаммад Шариф оталикнинг Тошкентга, юзлар қабиласи вакилларининг Хўжанд ва Ўратепага ҳоким этиб тайинланганлиги бунинг далилидир<sup>62</sup>.

Хонликнинг маъмурий-худудий бошқарув тизимида бек (ҳоким, волий) ва унинг ўрдаси алоҳида ўрин эгаллаган. Хон томонидан тайинланган ҳоким ва қози барча ваколатларга эга бўлган. Бек ўрдасида ҳам хон саройидагидек юзлаб амал ва унвонлар жорий қилинган<sup>63</sup> бўлиб, улар маҳаллий аҳолидан йиғиладиган солиқ ҳамда тўловлар ҳисобидан кун кечирган.

Қўқон шаҳри жуда текис жойда жойлашган бўлиб, шаҳар атрофида ариқлар, экинзорлар ва ўрмонлар жуда кўп бўлган. Баъзан улар шаҳар деворларига яқин бўлган. Шаҳар атрофи тахминан 16 вёрст<sup>64</sup>, шаҳарнинг узунлиги Ғазовлик дарвозасидан Марғилон дарвозасигача 5 вёрстга яқин эди. Шаҳар 12 дарвозаси бўлганлиги учун 12 қисмга бўлинган. Шаҳарда 540 та маҳалла ва уларнинг ҳар бирида оқсоқол бўлган. Шаҳарда 22 мингга уй бўлиб, аҳолиси 80 мингга ташкил этар эди. Мазкур даврда шаҳар бўйича 600 та масжид фаолият юритган<sup>65</sup>.

<sup>60</sup> Кун А. Некоторые сведения о Ферганской долине / Туркестанский сборник. Т. 117. – С. 169; Яна қаранг: Туркестанские ведомости. – 1876. – №13.

<sup>61</sup> Ўша жойда.

<sup>62</sup> Бейсембиев Т.К. Тарихи Шаҳрухи – как исторический источник.... – С. 150-152.

<sup>63</sup> Вохидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан.... – Б. 6-21.

<sup>64</sup> 1 вёрст – 6-7 км.га тенг узунлик ўлчов бирлиги.

<sup>65</sup> Хорошкин А.П. Заметки о Коканде // Русский инвалид. – №75 // ТС. – № 23. – С. 39.

Мамлакатнинг Қўқондан кейинги муҳим сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий-стратегик марказларидан бири Тошкент шахри эди. XIX асрнинг 50-йилларда Тошкентда 11 мингта хонадон мавжуд бўлиб, унда 50 минг аҳоли, 310 масжид, 15 та қарвонсарой, 11 та ҳаммом бўлган. Шаҳарнинг асосий кўчасига бозордан то Ўрдагача тош тахталар ётқизилган бўлиб, бу ўрдада шаҳар ҳокими, Қўқон хонининг ноиб турар эди<sup>66</sup>.

Бошқа манбаларга кўра, XIX асрнинг бошларида Тошкентда 3 минг хонадон ёки 15-20 минг аҳоли яшаган. Потаниннинг маълумотларига қараганда, XIX асрнинг 20-йилларида Тошкентда фақат эркак аҳолисининг ўзи 3-4 тадан бўлган 2 минг хонадон бўлган бўлса, шу асрнинг ўрталарига келиб шаҳар аҳолисининг сони 60 мингдан зиёдни ташкил қилган. Шаҳар тўрт даҳага, яъни Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтохур даҳаларига бўлинган, Бешёғоч даҳасида 32 та, Себзорда 38 та, Кўкчада 31 та ва Шайхонтохур даҳасида эса 48 та маҳалла бўлган<sup>67</sup>.

XVIII асрнинг ўрталаридан бошлаб, XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр ичида Қўқон хонлиги аҳолисининг сони ўсиб борган ва XIX асрнинг иккинчи ярмига келганда мамлакат аҳолиси уч миллион кишига етган. Аммо, Россия империяси томонидан қўплаб ҳудудларнинг босиб олиниши ва уларнинг босқинчилар маъмурияти таркибига кириши натижасида хонлик тасарруфидаги Фарғона водийсида икки миллионга яқин аҳоли қолганлиги тахмин қилинади<sup>68</sup>.

Аҳоли таркибига ўтроқ аҳоли кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига нисбатан кўпчиликни ташкил этган. XIX асрнинг бошларида аҳолининг 40 фоиздан ортиғи кўчманчи ва ярим кўчманчи бўлса, аср охирига келиб, улар хонлик аҳолисининг 15 фоизни ташкил қилган<sup>69</sup>.

Сўнгги ўрта асрлар шаҳарларининг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрнини аниқлашда уларнинг ҳунармандчилик ва савдо марказлари сифатидаги ролига алоҳида аҳамият қаратилган.

Ўрганилаётган давр Қўқон хонлиги шаҳар аҳолисининг иқтисодий ҳаётида ҳунармандчилик ва касибчилик муҳим ўрин тутган. Узоқ ривожланиш тарихига эга бўлган Қўқон хонлиги ҳунармандчилиги ҳаддан ташқари ихтисослашган эди. Ҳунармандчиликда ҳатто буюмларнинг бир тури ва бирор қисмини ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар мавжуд бўлган. Бунини айниқса, тўқувчилик ва темирчиликда яққол кузатиш мумкин эди. Ҳунармандлар ўз касбининг сир-асрорларини мукамал ўзлаштирган мохир усталари бўлиб, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларини юксак санъат даражасига кўтара олганлар<sup>70</sup>.

<sup>66</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. Т.I. – Тошкент, 1970. – Б. 639.

<sup>67</sup> Азалаев Ф.А. Ташкент во второй половине XIX в..... – С. 24-25; Малицкий Н.Г. Ташкентские махаллы и мауза. – Ташкент: САГУ, 1927. – С. 16; Уша муаллиф: К истории Ташкента под Кокандским владычеством / Протоколы Туркестанского Круга Любителей Археологии. 1900. – С. 126-137; Султонов У. Мухаммад Солиххўжанин: "Тарихи ҳадилайи Топқанд" асари – муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тарих фан. ном. ...дисс. – Тошкент, 2007. – Б. 180.

<sup>68</sup> Петровский Н. Очерки Кокандского ханства.... – С. 6.

<sup>69</sup> Южоридаги асар... – С. 19.

<sup>70</sup> Бобобеков Х. Қўқон тарихи.... – Б. 110.

Хуллас, XIX асрнинг биринчи ярмида хонликда Умархон, Муҳаммадалихон, Нодирабегим, Худоёрхон, Султон Муродбек, Султон Сайидхон, ҳарбий бошликлардан Мусулмонқули, Алиқули, Ҳолмуҳаммад мингбошилар ва замонасининг илғор, маърифатли кишилари томонидан меъморий обидалар қурдирилди, шаҳарсозлик тез суръатлар билан ривожланди. Натижада мамлакат пойтахти Қўқон тез фурсатда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири, илм-фан ва маданият марказига айланди.

XIX аср ўрталарида жаҳоннинг йирик давлатлари ўртасида янги мустақиллик сиёсати авж олганлиги, бу “кураш”лардан Россия империяси ҳам четда қолмаганлиги каби масалаларга эътибор қаратилди. Россия кўшинлари Окмасжидни босиб олгандан сўнг, Қўқон хонлигига нисбатан очикдан-очик зўравонлик сиёсатига ўтиб олди ва ўз сиёсатини ҳам шунга мослаб борди<sup>71</sup>. Окмасжид урушларида мағлуб бўлган Қўқон амирлашқарлари хон саройи олдидаги майдонда халқ оммаси ҳузурда жазоланган вазиётда, хон ва унинг яқинлари қандай душманга дуч келганларини ҳали тасаввур қила олмас эдилар. Россия империяси эса 1854 йили Перовский порти, 1-порт, 2-порт, 3-порт ва атроф жойларни ўз ичига олган Сирдарё чизиғини ташкил этди. Бу линия Россия ва Қўқон хонлиги ўртасидаги чегара ҳисобланарди<sup>72</sup>.

Туркистон ва Чимкентнинг босиб олиниши натижасида<sup>73</sup> чор ҳарбий кўшинлари учун босқинчилик ҳаракатлари янада кенгайиб, эндиликда минтақанинг энг катта ва бой шаҳарларидан бўлган Тошкентни босиб олишга кенг йўл очилди. 1864 йил 1 октябрда генерал Черняев катта ҳарбий кўшин билан бирга Тошкент шаҳрининг шарқий қисмидаги Дарвишак Қопка деган жойдаги Кайковус ариғидан ўтиб, Хўжа Ахрорнинг Оккўрғондаги вақф ерларида тўхтади. 2 октябрда Тошкентга дастлабки ҳужум бошланди. Аммо, тошкентликлар шаҳар ҳимоясини ташкил этиб, Тошкент ҳоқими Қўш парвоначи қипчоқ навқарлари билан шаҳарнинг шарқий қисмини, Мирзо Аҳмад қўшбеги Оккўрғон дарвозасини, Хайр Муҳаммад афғон ёвар тўпчибоши ўрдага жойлашиб, шу даражада қаршилиқ кўрсатдиларки, генерал Черняев мағлубиятга учраб, Чимкентга қайтиб кетишга мажбур бўлди<sup>74</sup>.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, XIX асрнинг ўрталарига келиб, Россия империяси козоклар яшайдиган ерларни турли баҳона ва сабаблар билан босиб олиб, бевосита Қўқон хонлиги чегарларини босиб ўтиши, Россия ва Буюк Британия манфаатларининг тўқнашувини тезлаштирди. Россия ҳарбий йўл билан 1876 йилгача Қўқон хонлигининг кўпгина шаҳар ва истехкомларини босиб олгач, уларни ўзининг мустаҳкам таянчига айлантирди.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “Қўқон хонлигидаги сиёсий, маъмурий ва ҳудудий ўзгаришлар (1865-1876 йй.)” деб номланган бўлиб, ушбу бобда

<sup>71</sup> Юдин М.А. Взятие Ак-Мечети в 1853 году как начало завоевания Кокандского ханства. – М.: Издание Владимира Балашева, 1912. – 140 с.

<sup>72</sup> Зиёев Х. Туркистонда Россия таъвозуи ва ҳукмронлигига қарши кураш... – Б. 108.

<sup>73</sup> Чимкент 1281 йил 3 жумод ул-аввал/1864 йил 5 октябрда босиб олинган. Бу ҳақда қарагил: Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳоннамои (таржима). – Б. 124; Зиёев Х. Туркистонда Россия таъвозуи... – Б. 126-140.

<sup>74</sup> Тарихи ҳадидаи Тошқанд. – 581 ыарак; Хулосат ул-аҳвол. – 225 ыарак.



Кўкон хонлигининг тугатилиши ва Фарғона шаҳарларидаги сиёсий-худудий ўзгаришлар, урбанизация жараёнлари, шаҳарларнинг бошқарув тизимидаги сиёсий мавқеи ҳамда маъмурий бошқарув тартибларидаги ўзгаришлар таҳлил этилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида маҳаллий Фарғона водийси шаҳарлари радиал-концентристик (радиус бўйлаб битта марказга эга бўлган) тузилишга эга бўлган. Шаҳарлар хом ғишт ёки пахсадан бино қилинган доирасимон мудофаа деворлар билан ўраб олинган бўлиб, бир нечта дарвозалардан ўтган асосий кўчалар орқали шаҳарнинг марказига борилган. Марказда эса ҳашаматли ва маҳобатли бинолардан ҳукмдорнинг ўрдаси, катта мадрасалар, хонақоҳ ва масжидлар бўлган. Бу бинолар бир ёки икки қаватли, аксар ҳоларда пишиқ ғиштдан барпо этилган бўлиб, улар ховли ва унинг атрофида қурилган уйлардан иборат бўлган. Бу бинолар ўзининг катта ҳажми, меъморий маҳобати, пештоқларининг ёрқин безаклари билан атрофидаги бир қаватли лойдан қилинган уйлардан ажралиб турган.

Маҳаллий аҳоли яшайдиган маҳаллалар катта йўллардан ажралиб чиққан майда ва тор кўчалардан иборат бўлган. Маҳаллаларнинг энг гавжум жойи маҳалла ховузи атрофи ва масжиди бўлган.

Ўрганилаётган даврда водий шаҳарсозлигидаги ўзгаришлар Ўрта Осиё темир йўлининг ишга туширилиши билан узвий боғлиқ эди. Самарқанд-Тошкент-Андижон йўналишидаги темир йўлининг ишга туширилиши натижасида водий минтақанинг шиддатли маҳсулот айирбошлаш жараёнига тортилди ва бу ерга арзон қурилиш материалларининг олиб келинишига ҳам сабаб бўлди. Минтақа товар-пул айирбошлашга асосланган капиталистик муносабатларига тортилди. Ушбу даврда Фарғона водийсидаги шаҳарларнинг “янги” қисмларида савдо-саноат ва уй-жой қурилиш ишлари анча ривожланди<sup>75</sup>.

Фарғонанинг водийсининг еттита асосий шаҳарлари – Кўкон, Андижон, Наманган, Марғилон, Чуст, Янги Марғилон, Риштон умумий бўлган тамойиллардан ташқари, шаклланиши ва ривожланиши бўйича ўзига хос тузилишга ҳам эга бўлган.

Фарғона водийсида энг катта шаҳарлардан бири бу Кўкон (манбалардаги Ҳавоканди латиф – латиф Ҳўқанд<sup>76</sup>) бўлган. Унинг шаҳристони 19 км лик хандақ ва мудофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, 12 та дарвозаси бўлган<sup>77</sup>. Шаҳарнинг иккита маркази – бири ҳукмдор ўрдаси атрофида, иккинчиси Чорсу бозори майдонида эса мадраса ва Жоме масжиди жойлашган эди<sup>78</sup>.

<sup>75</sup> Лаврентьева В.Л. Капитализм в Туркестане. – М., 1930. – 151 с.; Мусаев Н.У. Туркистонда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг вужудга келиши (XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошлари). – Тошкент: Тошкент давлат техника университети. 1995. – 106 б.

<sup>76</sup> “Ҳавоканд”нинг этимологик маъноси – “Ҳавокент”, яъни “шамоллар шаҳри” демакдир. Бу ҳақда қараи: Воҳидов Ш. Кўкон хонлигида тарихнавислик – Тошкент: Akademnashr, 2010. – Б. 3.

<sup>77</sup> Кушелевский В. И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Том I. – Новый Маргелан: Издание Ферганского Областного Статистического Комитета, 1890. – С. 67; Юсупова М. Подвека трансформации архитектуры Узбекистана... – С. 32.

<sup>78</sup> История Коканда. – Ташкент: Фан, 1984. – С. 5-41.

Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман бу қарорни маъқуллаб, комиссиянинг баённомасига “Вилоятнинг марказий шаҳри Марғилонда барпо этилсин ва у ерда имкони борича каттароқ захирамиз жойлаштирилсин...” деган резолюция қўйди. 1876 йил 13 апрелдаги Олий буйруққа биноан, вилоят маркази Қўқондан Марғилонга кўчирилди.

Янги Марғилон Тошкент ва Самарқанддан фарқли равишда, катта ва кенг майдонда жойлаштирилди. Шахсий уй-жойларнинг кенглигидан уларда боғ ва ҳовузлар қуриш тавсия этилди. Яхши ва шинам бинолар қурадиганларга энг яхши ҳовли берилди. Уларнинг эгалари икки йил ўтмасдан қурилишни тугатиб, боғ барпо этишга киришишлари керак эди. Хом ғиштдан уй қурилиши учун фақат тошли ёки пишиқ ғиштдан фундаменти бўлсагина, ижозат берилди. Режа ва биноларнинг ташқи кўринишлари қурилиш бўлимларида муҳокама қилинди. Уйлар олдидан оқиб ўтган ариқлар буйларда дарактлар ўтказиш мажбурий эди<sup>79</sup>.

1877 йилда “Рус Андижон”и номини олган шаҳарнинг европача қисмини қуриш режалаштирилди ва у шаҳарнинг жануби-шарқидagi бир тепалиқда барпо этилди. Орадаги майдонда бир уезд шаҳарчасини барпо қилиш мумкин бўлган. Гултепада жойлашган қалъадан шаҳарнинг эски қисмигача кенг ва тўғри бир шохқўча (бугунги Навоий шох қўчаси) ўтказилди. 1879 йилда Андижон ва Ўш шаҳарларининг меъмори қилиб инженер-поручик Неминуций тайинланганидан сўнгра янги шаҳарнинг қуриш ишлари тезлашиб кетди<sup>80</sup>.

Шундай қилиб, XX аср бошларидаги Андижон шаҳарсозлигида, биринчидан, функционал зоналарнинг аниқ дифференциацияси, яъни савдо ва жамоат марказлари, аҳоли яшайдиган жой, парклар ва саноат туманларининг алоҳида шаклланишини, иккинчидан, ифодали шаҳарсозлик мажмуалари ва шаклларининг пайдо бўлиши, уларнинг миқдори ва бадий даражаси Андижон шаҳарсозлигини водийнинг бошқа шаҳарларидан ажратиб қўяди.

XIX асрнинг охири чорагида Наманган шаҳрининг янги қисмида тўғри ва кенг кўчалар яхши азрация (юн. ἀήρ)\*, ягона маъмурий, савдо, ибодат, саноат марказига эга бўлган шаҳар барпо этилди. Бироқ, кўп вазифали шаҳар марказида саноат худудининг пайдо бўлиши ушбу давр Наманган шаҳарсозлигининг салбий томонларидан бири бўлди<sup>81</sup>.

Шаҳарнинг кўчаларига водийнинг рус шаҳарларига ўхшаб фақат русча номлар қўйилган эди. Наманганнинг “Янги шаҳар” қисмида 1905 йилга келиб, Баронская, Пушкинская, Грановская, Головачевская, Кауфманская, Аверьяновская, Петербургская, Московская, Киевская Новгородская кўчалари бўлган<sup>82</sup>.

<sup>79</sup> Чабров Г. Очерк истории планировки и строительства русских городов Туркестанского края (1865-1916). – Ташкент, 1945. – С. 232.

<sup>80</sup> ЎзР МДА. 19-фонд. 1-руйхат, 30779-йигма жилд, 114-варақ.

\* Азрация (юн. ἀήρ – “Хаво”) – бияо ичи ва ташқарисидаги габий-ташкилий хаво алмашиниш жараёни.

<sup>81</sup> Юсупова М. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана... – С. 54.

<sup>82</sup> ЎзР МДА. 19-фонд. 1-руйхат, 26524-йигма жилд, 34-варақ.

\* Барбет (fr. Barbette) – харбий ишларда химоя тушунчаси

Чуст шаҳри 1877 йилда Фарғона вилоятининг Чуст уезди марказига айлантирилди. Русларнинг гарнизони ва ҳарбий маъмурияти собиқ бекнинг калъасида жойлаштирилди. Босқинчилар калъа мудофаа имконини кенгайтириш ва кучайтириш учун унинг шимоли-шаркида катта йўлга қаратиб барбет (*фр. Barbette*)<sup>83</sup> қилдилар. Истехкомнинг жануби-шаркида Чуст бозорига қараб ҳам барбет қуриш режалаштирилди, қалъа олдидаги майдонни бўшатиб, майдарок эспланада барпо қилдилар. Рус врачларнинг маслаҳати билан бозор майдонидан 2 км. узокликда русларнинг янги шаҳри учун 10 гектар жой танланди. Муҳандис А. Рижиков лойиҳаси асосида бу жойда Чустнинг аҳолиси учун шаҳар барпо этила бошланди.

1911 йилга келиб, Фарғонада рус манзилгоҳларининг сони 23 тага етади. Булар Скобелев уездига 1 та, Ўшда 5 та, Наманган уездига 3 та, Андижон уездига 14 та бўлган<sup>83</sup>. Статистик маълумотларга қараганда, 1913 йилга келиб Фарғона вилоятида 42 та рус посёлкаси мавжуд бўлиб, уларда 12648 кишидан иборат 2323 та оила истиқомат қилган. Уларнинг ихтиёрида 22 995 десятина экин майдонлари мавжуд эди<sup>84</sup>. Биринчи жаҳон уруши даврида вилоятга уруш бўлаётган жойлардан қочоқлар кўчиб кела бошланган.

Диссертациянинг **“Фарғона водийсидаги сиёсий, маъмурий-худудий ўзгаришлар жараёнида шаҳар маданияти трансформацияси (1876-1917 йй.)** деб номланган учинчи бобида шаҳарларнинг тузилиши ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, шаҳарлар аҳолисининг таркиби ва машғулотлари, шаҳарларнинг иқтисодий марказлар сифатидаги ўрни ва ташқи савдо алоқаларидаги роли таҳлил этилган.

XIX-XX аср бошларида бутун Ўрта Осиё, шу жумладан, Фарғона водийси ҳудудида катта-кичиклиги ва географик жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ривожланиш даражаси турлича бўлган, маданий тараққиётнинг айрим жиҳатлари билан бир-биридан фарқланувчи шаҳарлар мавжуд эди. Шаҳарларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни турли даражада бўлиб, уларнинг мавқеи кўп ҳолларда мазкур марказнинг қулай табиий-географик шарт-шароитлари мавжуд бўлган ҳудудларда шаклланиши ҳамда раванқ топиши билан изоҳланади.

Марғилон уездига 1877 йилда 15 та волость, 119 та оқсоқоллик, 21 кози бўлган<sup>85</sup>. Марғилоннинг ўзида 4 та оқсоқоллик ташкил қилинди. Уезд маркази Марғилон шаҳрида 46 780 киши яшаган ва унда 137 та мактаб, 254 та масжид ва 14 та завод бўлган<sup>86</sup>.

<sup>83</sup> Масальский В.И. Туркестанский край... – С. 300; Переселенческое дело в Туркестанском крае (области Сыр-Дарьинской, Самаркандской и Ферганской) / Отчет о служебной поездке в Туркестан осенью 1910 г. Чиновника особых поручений при переселенческом управлении Н. Гаврилова. – Санкт-Петербург, 1911. – С. 152.

<sup>84</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1913 г. – Скобелев, 1916. – С. 21; Губасева С. С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX вв. (этнокультурные процессы). – Ташкент: Фан, 1991. – С. 101-110; Жаббаров М.Р. Фарғона вилояти тарихининг “Туркестанский сборник”да ёритилиши... – Б. 104.

<sup>85</sup> Ўз МА. И-19-фонд, 1-рўйхат, 635-иш, 19-28 варақ орқаси.

<sup>86</sup> Масальский И. Туркестанский край / Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Под ред. В.П. Семенов-Тянь-Шанского. – Санкт-Петербург, 1913. Т. XIX. – С. 705.

Андижон уезди 1876 йил 6 мартда Туркистон генерал-губернатори буйруғи асосида ташкил қилинди<sup>87</sup>. XX асрнинг бошларига келиб, бу ерда иккита меҳмонхона, черков, 7795 та хонадон (улардан 150 таси европаликлар оиласи), 236 та масжид, 36 та пахта тозалаш, 2 та ёғ-мой заводлари бўлган<sup>88</sup>.

Наманган уезди ҳам 1876 йил 6 мартда ташкил этилган. Маркази Наманганнинг эски шаҳрида 12100 хонадон, 331 масжид, 11 қабристон, 120 дан ортиқ бошланғич ва ўрта мактаб бўлган. Шаҳар аҳолиси 73 минг киши, улардан 900 нафари руслардан иборат бўлган. XX асрнинг бошларида шаҳарнинг янги қисмида 60 та хонадон (аксарияти европалик аҳоли), уезд маъмурияти, казарма, православ черкови, билим юрти, рус-тузем мактаби, почта-телеграф, касалхона, ҳарбийлар уйи ва хиёбон жойлашган эди<sup>89</sup>.

Ўш уезди Туркистон генерал-губернатори фармонида биноан, 1876 йил 6 мартда ташкил этилди. 1888 йили 19 январга келиб, Ўш уездида Жалолқудук (9 та қишлоқ жамоаси, 628 уй ва юрталари билан), Ғулча (10 овул, 1608 та юрта билан), Булоқбоши (12 қишлоқ жамоаси, 1710 та уй ва юрталари билан), Ўш (қишлоқ жамоаси 11 та, 1796 уй ва юрта билан), Олой волости (12 қишлоқ жамоаси, 1168 уй ва юрталар билан), Навкат (6 та қишлоқ жамоаси, 550 та уй ва юрталар билан) волостлари бўлган<sup>90</sup>. XX асрнинг бошларига келиб шаҳарда 6253 та хонадон (44204 нафар, улардан 915 нафар рус), черков, 100 дан ортиқ масжид, 56 та ўқув муассасаси бўлган<sup>91</sup>.

Фаргона водийсининг ўрганилаётган даврдаги урбанизациясига хос бўлган ўзгаришлардан бири – бу шаҳарлар меъморчилиги мустамлакачилар учун мос келадиган расмий-казарма типидagi шаклда бўлган. Бунинг намунаси бир қаватли хом ғиштли бўлган, ташқариси шувалган бинолар эди. Бу қурилмалар орасида мухташам пишиқ ғишдан қурилган уезд бошлиғининг уйи, шаҳар черкови ажралиб турган. Уларнинг безаклари оддий, бироқ тоза бўлиб, сохта классицизм услубида қурилган.

XX асрнинг бошларидаги водий урбанизациясидаги янги меъморчиликка хос бўлган жиҳатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу иккинчи даврда Фаргона шаҳарлари ўз иқтисодий имкониятларига қараб ривожланиш учун турли шароитларга эга бўлдилар. Натижада, уларнинг меъморчилигидаги сифат ва бадиий даражалари ҳам ҳар хил эди.

Шаҳарлар рус аҳолисининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётларининг марказига айлангач, шаҳар меъморчилиги ҳам шаҳарликлар ҳаётининг турли соҳаларига мослаштириб барпо этилди. Маъмурий, жамоат ва шахсий бинолар анъанавий ва янги услубларда бино этила бошланди. Қўқон хонлигидаги Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Чимкент, Жиззах, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби аҳолисининг сони жиҳатидан катта, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ўнлаб шаҳарлар

<sup>87</sup> Ўз МА. 19-фонд. 1-руйхат, 1520-йиғма жилд. 67 варак.

<sup>88</sup> Масальский И. Туркестанский край. Т. XIX. – 1913. – С. 708.

<sup>89</sup> Южорндаги асар... – С. 703–704.

<sup>90</sup> Ўз МА. 19-фонд. 1-руйхат, 635-йиғма жилд. 37–40 варак.

<sup>91</sup> Масальский И. Туркестанский край. Т. XIX... – С. 712.

ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Хонлик таркибига кирувчи ҳудудлар аҳолисининг жойлашуви ва турмуш тарзи бир-биридан фарқ қилган. Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсининг сугориб дехкончилик қилинадиган қисми аҳоли жойлашуви жиҳатидан зич бўлиб, улар ўтроқ ҳаёт кечирган, сахро, тоғ ва тоғ олди текисликларидан иборат ҳудудларда кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли яшаган.

XIX асрнинг бошларида хонликда (Тошкент ва Туркистонни ҳам қўшиб ҳисобланганда) аҳоли сони бир миллион киши бўлган<sup>92</sup>. Айрим манбаларда XIX асрнинг ўрталарида хонликда 1,5 миллиондан 2 миллионгача аҳоли яшаганлиги айтилади<sup>93</sup>. Мазкур аҳолининг асосий қисми хонликдаги шаҳарлар ва уларнинг атрофларидаги қишлоқларда, яъни Фарғона, Қурама, Тошкент, Наманган, Хўжанд ва Ўратепа ҳудудларида турғун яшаган. Қўкон атрофида 360 та, Марғилон, Андижон, Ўш, Наманган ва бошқа шаҳарлар атрофида эса жами 1214 та қишлоқ мавжуд бўлган<sup>94</sup>.

Хонлик аҳолисининг кўпчилиги ўзбек (сарт)лар бўлиб, мамлакат шаҳар ва қишлоқларида тожик (сарт)лар ҳам яшаган. Ўзбеклар ва тожиклар асосан ўтроқ тарзда кун кечириб, улардан ўзбеклар Андижон, Асака, Олтиариқ, Окмасжид, Абдусамад, Авлиёта, Ботирқўрғон, Байтақ, Бешарик, Бувай, Букан, Жойкашт, Дўрманча, Ёрмозор, Иқон, Қарокчиқум, Қораянтоқ, Кушқон, Қўқон ва унинг атрофида, Қарнақ, Ғурумсарой, Катта Қайнар, Кува, Кумиш, Луғумбек, Манкент, Маҳрам, Меркеда, Мингтуғ, Наманган, Нав, Найманча, Ўш, Паркент, Танғаз, Полвонтош, Пишпек, Сўзак, Сўлак, Сайрам, Султонрабат, Тўда, Тошкент, Тўқмоқ, Туркистон, Тўнғиз лав, Урганжи, Ўзган, Учқўрғон, Ултарма, Хамирқўрғон, Чимкент, Чилмаҳрам, Чортоқ, Шўрқўрғон, Шахбекбий, Яйпан, Янгикўрғон, Ёрмозорда истиқомат қилганлар. Тожиклар эса Фарғона водийсининг шаҳарлари ва тоғли туманларидан ташқари яна Иқонда, Тошкент ва унинг атрофида, Паркентда, Пискентда, Чинозда истиқомат қилган<sup>95</sup>.

Қўқон хонлигида хон сулоласи ўзбекларнинг минг<sup>96</sup> уруғидан бўлиб, сарой аёнлари ва амалдорлар ўзбеклардан иборат бўлган (минг, сарой, таргова, қипчоқ элатлари) бўлса-да, давлатда иш юритиш ҳужжатлари асосан форс тилида олиб борилган, лекин ўзбек тилида ҳам ёрлик ва иноятномалар ёзилган<sup>97</sup>.

Хонликда яна қирғизлар ва қипчоқлар ҳам истиқомат қилганлар. Улар Сирдарёнинг бошланиш жойларидан Балхаш қўлигача бўлган тоғли районлардан то Қашқар чегарасигача бўлган ерда, Еттисув, Талас водийси, Олой тоғлари, Бадахшон, Фарғона водийси ҳудудларида кўчманчи ва ярим

<sup>92</sup> Ўзбекистон ССР тарихи. I том.... – Б. 621.

<sup>93</sup> Петровский Н. Очерки Кокандского ханства // ТС. Т. 76. – С. 18-19.

<sup>94</sup> Хорошхин А.П. Заметки о Коканде.... – С. 43; Ўша муаллиф: Очерки Коканда / Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб: типография и хромолитография А. Транцеля, – Стремянная. – 1876. – №12. – С. 42.

<sup>95</sup> История Узбекистана. Том III. – С. 214-215.

<sup>96</sup> Гребенянь А. Мингъ // ТС. Том. 95. – С. 331-336.

<sup>97</sup> Иванов П.П. Архив хивинских ханов / Записки ИВ АН СССР. Т.7. 1939. – С. 9; Троицкая Л.А. Каталог архива Кокандских ханов.... – С. 3.

кўчманчи хаёт кечирган. Манбаларда таъкидланишича, XIX асрнинг бошларида кирғизлар, қалмоқлар, уйғурлар, қорақалпоқ ва қозоқ-кипчоқлар Хитой ҳукумати тазийки остида Шарқий Туркистондан Фарғона водийсига кўчиб келишга мажбур бўлган<sup>98</sup>. Умуман олганда, XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни, Россия империяси босқинига қадар Қўқон хонлигининг худудлари кенгайган ва аҳолисининг сони ўсган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хонлик худудидagi Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Хўжанд, Ўратепа, Андижон, Наманган, Ўш ва бошқа шаҳарлар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлари бўлган.

Фарғона водийси шаҳарлари хунармандчилниг атрофлича тадқиқ этилиб шаҳарларнинг иқтисодий марказ сифатидаги аҳамиятини очиб беришга қаратилган.

Савдо соҳасида Марғилон шаҳри вилоят бўйича Қўқондан кейин иккинчи ўринда турган. Марғилон шаҳрида анъанавий машхур хунармандчилик турларидан бири бўлган ипакчилик ушбу даврда ҳам маҳорат билан давом эттирилган. Марғилон ипагини янада кўпайтириш ва ундан катта даромад қилиш мақсадида ҳукумат ипак қурти лабораториясини ташкил этади.

Қўқон хонлигининг темирчилик кенг таракқий этган шаҳарларидан бири Тошкент эди. Бу ерда темирчилар турли маҳсулотлар – пичоқ, қайчи, устаралар ясаганлар. Шу билан бирга, улар пўлатдан қимматбаҳо пичоқлар, турли хунармандчилик асбоблари, хусусан, дурадгорлар ва чилангарларнинг иш асбоблари болға ва омон сингари меҳнат қуролларини ҳам ишлаб чиқарган<sup>99</sup>.

Хонлиқнинг ташқи савдо алоқаларида Қўқон-Россия савдо муносабатлари алоҳида ўрин тутган<sup>100</sup>. 1758-1853 йиллар давомида товар экспорти 174000 дан 2171000 қумуш рублга, импорт эса 37000 дан 676000 қумуш рублгача ошган<sup>101</sup>. Рус савдогарлари аввал 100 фоиз, кейинчалик 70, 50 фоиз миқдорида даромад олган<sup>102</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хонликдаги сиёсий вазиятнинг нотинчлигига қарамай, мамлакат қўшни давлатлар билан қизгин савдо-сотик муносабатларини олиб борган. Ташқи савдода фарғоналиклар асосан, Хитой (Шарқий Туркистон), Ҳиндистон билан, Хўжанд, ўратепаликлар эса Бухоро амирлиги, Афғонистон билан, Тошкент воҳаси савдогарлари эса қозоқ худудлари ва Россия билан, Сирдарё бўйларидagi шаҳарлар эса Бухоро ва Хива давлати билан кенг савдо алоқалари олиб борганлар.

<sup>98</sup> Толстова Л.С. Каракашпаки Ферганской долины (Ист-этногр. очерк). – Нукус, 1959. – С. 20; Бейсенбиев Т. К. Тарихи Шахрухи... – С. 9.

<sup>99</sup> О туземной оружия в Туркестанском крае / Русский Туркестан. – Вып. II; – С. 214. Паппино П. И. О фабричной и торговой деятельности... – С. 128.

<sup>100</sup> Гафоров Ф. XIX асрнинг биринчи ярми ва 60-70-йилларда Россия билан Қўқон хонлиги ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий алоқалар. – Тошкент, 1970. – Б. 170.

<sup>101</sup> Исторический опыт торговли со Средней Азией / Туркестанский сборник. Т. 378. – С. 98.

<sup>102</sup> Янжул И. Исторический опыт торговли со Средней Азией / Туркестанский сборник. Т. 375. – С. 96.

## ХУЛОСА

XIX–XX асрнинг бошларида Фарғона водийси шаҳарлари тарихини ўрганиш натижасида куйидаги хулоса ва тақлифларни баён этиш имкони яратилди:

1. Ўрта Осиё ва унинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон цивилизациясидаги шаҳарлар масалаларини ўрганган кўпгина тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, бу жараён ўзининг бошланган давридан бошлаб кейинги (Ўрта асрлар, замонавий) ривожланиш босқичларигача айнан урбанистик хусусиятга эга бўлган эди. Урбанизация жамият тараққиётининг энг мураккаб жараёнларидан бири ҳисобланиб, бу жараён жадал ўсиб бораётган тараққиётни ўзида акс эттириш билан бирга ихтисослашган савдо-сотикнинг ўсиб бориши, махсулот алмашинуви, ижтимоий тузилмалар ва бошқарув органларининг мавжудлиги, ишлаб чиқаришни назорат қилиш ва қўриқлаш, жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни ифодалайди.

2. XIX асрнинг биринчи ярмида, яъни Россия империяси босқинига қадар Қўқон хонлигининг ҳудудлари кенгайган ва аҳолисининг сони ўсган. Хонлик ҳудудида ҳажми, аҳолисининг сони ва жойлашуви, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ривожланиш даражаси турлича бўлган, маданий тараққиётнинг айрим жиҳатлари билан бир-биридан фарқланувчи кўплаб катта ва кичик шаҳарлар мавжуд эди. Хонликдаги Қўқон, Марғилон, Андижон, Тошкент, Наманган каби шаҳарлари асосий сиёсий, ижтимоий кучлар мужассамлашган марказлар эди.

3. XIX асрнинг ўрталарига келиб, Россия империяси қозоқлар яшайдиган ерларни турли баҳона ва сабаблар билан босиб олиб, бевосита Қўқон хонлиги чегараларини босиб ўтиши, Россия ва Буюк Британия манфаатларининг тўқнашувини тезлаштирди. Россия ҳарбий йўл билан 1876 йилгача Қўқон хонлигининг кўпгина шаҳар ва истехкомларини босиб олгач, уларни ўзининг мустаҳкам таянчига айлантирди.

4. Россия империяси Қўқон хонлигига қарашли Сирдарёнинг қуйи оқимидаги шаҳар ва истехкомларни, Тошкент, Жиззах, Уратепа, Хўжанд, амирликка қарашли Самарқанд, Янгиқўрғон, Зарафшон водийсининг юқори қисми, Шаҳрисабз ва Китобни, Хива хонлигига қарашли баъзи ҳудудларини босиб олиб, Марказий Осиёнинг маъмурий-ҳудудий ва сиёсий кийёфаси, давлат тизимини бутунлай ўзгартирди.

5. 1876 йил 19 февралда Қўқон хонлиги тугатилди ва унинг ўрнида янги мамурий ҳудуд – Фарғона вилояти тузилиб, уни ҳарбий губернатор бошқарадиган бўлди. Вилоят шаҳарлар, уездлар, волост ва кишлок жамоларига бўлинди. Руслаштириш ва рус аҳолини шаҳарлар ва кишлокларга кўчириб келтириш сиёсати изчиллик билан амалга оширила бошланди.

6. Фарғона вилояти шаҳарлари инфратузилмалари янги маъмурият даврида урбанизацион ва меъморчилик жиҳатларидан катта ўзгаришларга дуч келади. Шаҳарларнинг эски қисмларида янги рус қисмининг ташкил этилиши вилоят шаҳарларининг биринчи ҳудудий ва инфратузилмавий ўзгариши бўлса, алоҳида ҳудудда янги шаҳар, яъни рус қисмини барпо этиш

унинг иккинчи характерли томони бўлган. Шахарлар рус аҳолисининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётларининг марказига айлангач, шаҳар меъморчилиги ҳам шаҳарликлар ҳаётининг турли соҳаларига мослаштириб барпо этилди.

7. Хонлик ҳудудидagi Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Хўжанд, Ўратепа, Андижон, Наманган, Ўш ва бошқа шаҳарлар мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказлари бўлган. Хонлик аҳолисини туркий ва эроний халқлар ташкил қилиб, улар ўтроқ, кўчманчи ва ярим кўчманчи гарзда ҳаёт кечирган. Водий ва шаҳарларда муқим яшаётган ўзбеклар ва тожиклар деҳқончилик, уй чорвачилиги, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланган бўлса, кўчманчи ва ярим кўчманчи қипчоқ, қирғиз, қозоқ ва бошқа туркий халқлар асосан, чорвачилик билан, баъзилари эса аста-секинлик билан ўтроқ бўла бошлади.

8. XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида маҳаллий аҳолининг турмуш тарзида ўзгаришлар шиддатли даражада бўлса ҳам уларнинг диний ҳаёти, таълим ва маданиятда анъанавийлик кучли бўлган. Шунинг учун бу даврда олдинги даврдан қолган масжид ва мадрасалар, макбара ва мазорлар амал қилиб турган. Уларнинг моддий базалари вақф мулкларини бекор қилиши натижасида анча заифлашиб қолган бўлса ҳам, маҳаллий аҳоли томонидан таъмирланган, янги масжид ва мадрасалар бино этилган. Улар билан бирга, давлатманд кишилар тарафидан бино этилган баъзи уй-жойлар маданий ва меъморий ёдгорлик сифатида бутунги қунгача етиб келган.

Мавзуни ўрганилиши, тадқиқ ва таҳлили, олинган натижа ва ҳулосалари асосида қуйидаги **тавсиялар** ва **тақлифлар** ўртага сурилади:

Ўзбекистонда шаҳар маданияти тарихини чуқур ўрганиш мақсадида олий ўқув юртларининг ижтимоий йўналишларида “Шаҳарлар маданияти тарихи” бўйича махсус курслар ташкил этиш, мультимедиа дарсликларини чоп этиш мақсадга мувофиқ;

мазкур тадқиқот материаллари асосида Фарғона водийси шаҳарларидаги Ўлкашунослик музейларининг Қўқон хонлиги даврида Фарғона водийси шаҳарлари бўлимларига иллюстрациялар, тарихий ҳужжатлар тайёрлаш ва жойлаштириш тавсия этилади;

мавзуга тегишли тарихий манбалар (қўлёзма асарлар, архив ҳужжатлари, даврий матбуот материаллари) асосида хрестоматия ва ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш тавсия этилади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2021. Таг.70.05  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
КАРШИНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**МАМАДАЛИЕВ ХУШНУДБЕК ИСЛОМЖОНОВИЧ**

**ИСТОРИЯ ГОРОДОВ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ  
В XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКА**

07.00.01 – история Узбекистана

**АВТОРЕФЕРАТ**  
диссертации доктора философии (PhD) по историческим наукам

Карши – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PHD/Tag 20.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

Научный руководитель:

**Зиёева Дово Хамидовна**  
доктор исторических наук, профессор

Официальные оппоненты:

**Хасанов Акрам Муминович**  
доктор исторических наук, доцент  
**Эштемьяров Жасур Суюлкуллович**  
доктор философии (PhD) по историческим наукам

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «30» 03 2022 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней при Каршинском государственном университете за № Ph.D.03/27.02.2021. Tag.70.05 (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Каршинском государственном университете.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каршинского государственного университета (зарегистрирована за № 91). (Адрес: 180103, город Карши, улица Кучабог 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «11» 03 2022 года  
(реестр протокола рассылки № 11 от «03» 9 2022 года).



**Б.Ж. Эшов**  
председатель Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
д.и.н., профессор

**Н.Н. Ражабова**  
учёный секретарь Научного совета  
по присуждению учёных степеней,  
к.и.н., доцент

**Ю.А. Эргашева**  
председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
учёных степеней, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Среднеазиатская цивилизация имеет важное значение в мировой истории и с древних времён города региона развивались по своему особому пути в неразрывной связи с культурными, экономическими и политическими городскими центрами Востока. Следовательно, исследование процессов урбанизации, получавших развитие в те или иные периоды, являются одним из важных проблем всемирной исторической науки.

В настоящее время, когда в масштабах всего мира происходит ускоренный процесс урбанизации и градостроительства, растёт потребность в научных исследованиях, направленных на глубокое освещение истории городов. По этой причине в ведущих мировых исследовательских центрах мира проводятся системные научные исследования по изучению особенностей урбанизации в разных регионах земного шара, возникновения городской культуры и закономерностей их развития. В этих исследованиях освещение социально-политических, экономических и культурных основ формирования городов рассматривается в качестве актуальной научной задачи.

XIX-начало XX века были периодом кардинальных перемен в истории народов Туркестана, когда в социально-экономической жизни городов стали происходить значительные изменения. В процессе исторического развития города постоянно меняли свой облик и вместе с этим возрастала также их роль в обществе. Поэтому, в настоящее время одним из важнейших задач историков является глубокое и всестороннее изучение истории городов нашей Родины. В этой связи освещение истории городов Ферганской долины считается одним из самых актуальных вопросов.

Данное диссертационное исследование в определённой мере служит для выполнения задач, обозначенных в Законе Республики Узбекистан «Об охране и использовании объектов культурного наследия», Законе Республики Узбекистан «Об охране и использовании объектов археологического наследия», Указе Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» за № УП-4947 от 7 февраля 2017 года, Распоряжении «О совершенствовании охраны и использования объектов материального культурного и археологического наследия» за № Р-5181 от 16 января 2018 года, а также подготовки «Истории городов Узбекистана» в соответствии с 23-пунктом IV-раздела «Дорожной карты», направленной на организацию «Эффективной работы по изучению истории Узбекистана» согласно поручению Администрации Президента Республики Узбекистан за № 222-х от 5 января 2019 года.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного,

духовного и образовательного развития информатизированного общества и демократического государства».

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их осуществления для социального, правового, экономического, культурного, духовного и образовательного развития информатизированного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Источники, архивные материалы, научная литература и исследования по истории, политической, социально-экономической и культурной жизни городов Ферганской долины XIX – начала XX века были классифицированы по периодам и разделены на следующие группы: 1. Произведения местных историков по истории Кокандского ханства XIX века. 2. Исследования и архивные материалы о периоде господства Российской империи. 3. Исследования и публикации советского периода. 4. Исследования по данной теме, опубликованные в годы независимости. 5. Работы зарубежных авторов.

**В первую группу** входят произведения по истории Кокандского ханства местных историков Мухаммада Фозилбека<sup>1</sup>, Махмуд Хакима Яйфони<sup>2</sup>, Ниёз Мухаммада ибн Ашур Мухаммада Хуканди<sup>3</sup> Исхокхон Ибрата<sup>4</sup>, Мухаммад Солиха Кары Тошканди<sup>5</sup>, Мухаммад Ризо Маргилоний<sup>6</sup>, Мухаммад Юнуса Тойиб<sup>7</sup>, Муллы Абдулгофур<sup>8</sup>, Абу Убайдуллоха Тошканди<sup>9</sup>, Муллы Олима Махдум Ходжи<sup>10</sup>, Мирзо Олима ибн Мирзо Рахима Тошканди<sup>11</sup>, Аваз Мухаммад

<sup>1</sup> Мухаммад Фозилбек. Мукаммали тарихи Фаргона // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – № 5971. 28\* - варак.

<sup>2</sup> Махмуд Хақим Яйфони. Тарихи салотини Фаргона // Қўкон улқашунослик музейи. – № 46. – 89 варак.; См.: Турдалиев Л. Махмуд Хақим Яйфони алабий ва илмий меросининг манбалари. Фил. фан. номз. дис... автореф. – Тошкент: Алишер.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 1997. – 24 б.

<sup>3</sup> Мулла Ниёз Мухаммад Хукандий. Тарихи Шоҳрухий / Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – №78. – №4463. – 365 варак. Яна қаранг: Бейсембиев Т.К. «Тарих-и Шоҳрухи» о Восточном Туркестане / Из истории Средней Азии и Восточного Туркестана в V-XIX вв. – Ташкент, 1987. – С. 162-174; Уша муаллифи: «Тарих-и Шоҳрухи» как исторический источник. – Алма-Ата: Наука, 1987. – 200 с.

<sup>4</sup> Исхокхон Ибрат. Тарихи Фаргона // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – № 11616.16-76-вараклар.

<sup>5</sup> Мухаммад Солиххужа ибн Қорахужа. Тарихи жадидаи Тошқанд // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – № 5732. – 747 варак.

<sup>6</sup> Мухаммад Ризо Маргилоний. Тарихий Азийий // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – №11108. – 120 варак.

<sup>7</sup> Мухаммад Юнус Тойиб. Тарихи Алиқули амир лашкар // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – №1213 б. – 92 варак.; Мухаммад Юнус Хаджа б. Мухаммад Амин-Хаджа. Тухфа-йи Таиб // Islamic Area Studies Project Central Asian research Series. –№ 6. – Ташкент-Токио, 2002. – С. 32.

<sup>8</sup> Мулла Абдулгофур. Зафарнома Худойёрхоний // Қўлёзма. ЎзР ФАШИ. – № 5986. – 65 варак.

<sup>9</sup> Урунбаев А. Неизвестная рукопись по истории Кокандского ханства // Известия АН УзССР. Серия общественных наук. Ташкент, 1957. –№3. –С. 33-38

<sup>10</sup> Мулла Олим Махдум Ходжи. Тарихи Туркистон / Намрга таёрловчи Т. Алимардонов, Н. Абдул Хақим. – Қарши: Насаф. 1992. – 148 б.; Мирзо Олим Махдум Ходжи. Тарихи Туркистон / Маъсул муҳаррир З. Чориев, сузбоши ва изоҳлар Ш.Воҳидовники, араб тилидан таъдир Ш.Воҳидов ва Р.Холиқованики, кўрсаткичлар Ш.Воҳидов ва Д.Сангированики. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2008. – 242 б.

<sup>11</sup> Мирзоолим Мутриф. Ансoб ус-салотин ва таворих ул-хавокин / Намрга таёрловчи А.Матгoзиев, М.Усмонова. – Тошкент, 1995. – 128 б. Мирза Алим ибн Мирза Раҳим Тошқанди. Ансoб ус-салатин ва таварих ал-хавакин / Введение Ш.Ваҳидова; перевод текста, примечания, указатели и послесловие. С.Юлдашева. История Узбекистана в арабoграфических источниках. Том I. – Ташкент, 2007. – 254 с.

Аттора Хуканди<sup>12</sup>.

К литературе второй группы, то есть исследованиям периода господства Российской империи, можно отметить произведения В.В.Бартольда<sup>13</sup>, А.Куна<sup>14</sup>, В.П.Наливкина<sup>15</sup>, М.Михайлова<sup>16</sup>, Н.Веселовского<sup>17</sup>, М.Галкина<sup>18</sup>, Абулсаттархана Гафарова<sup>19</sup>, Н.Н.Пантусова<sup>20</sup>, А.И.Добромыслова<sup>21</sup>, А.К.Гейнса<sup>22</sup>, А.Вамбери<sup>23</sup>, А.Макшеева<sup>24</sup>, А.П.Хорошкина<sup>25</sup> и других.

Сравнительный анализ работ второй группы показывает, что эти источники содержат информацию, в основном, о завоевании Кокандского ханства Российской империей, военной истории, территориальном разделении долины, исторических материалах, внутренней жизни ханства, налоговой системе и, в целом, многие другие сведения, представлявшие интерес для чиновников царской России и наряду с этим имеют важное значение потому, что в них приводятся множество данных по истории городов.

<sup>12</sup> Ромодин В.А. Новый источник по истории Кокандского ханства // Проблемы востоковедения. 1959. – № 3. – С. 10-17; Набиев Р. Уникальный источник по истории Кокандского ханства // Общественные науки в Узбекистане. Ташкент. – № 4. – С. 33-39; Вахидов Ш. Аваз Мухаммад Аттор Хуканди. Тарихи жахоннамойи // Шарк юлдузи. – Ташкент, 1991. – №8. – Б. 119-140; Он же. О двух редакциях сочинения Аваз Мухаммада Аттора Хуканди // Адабий мерос. Ташкент, 1989. – Б. 31-36.

<sup>13</sup> Бартольд В.В. История Туркестана. Конспект лекций // Сочинения. Т. II. – М., 1963. – С. 217-288.

